

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

КАСИМОВ БАХТИЁРЖОН МУРАТ ЎҒЛИ

**БАТАН ТИШЛАРИНИНГ ИШЧИ СИРТЛАРИГА
МИКРОШАРЧАЛАРНИ ЙЎНАЛТИРИШ (ДРОБ)ОҚИМЛИ ИШЛОВ
БЕРИШ ОРҚАЛИ СТЬ РУСУМЛИ ТЎҚУВ ДАСТГОҲИНИНГ ИШ
ҚОБИЛИЯТИНИ ОШИРИШ УСУЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва
робототехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Касимов Бахтиёржон Мурат ўғли

Батан тишларининг ишчи сиртларига микрошарчаларни йўналтириш (дроб) оқимли ишлов бериш орқали СТБ русумли тўқув дастгоҳининг иш қобилиятини ошириш усулини ишлаб чиқиш..... 3

Касимов Бахтиёржон Мурат ўғли

Разработка метода повышения работоспособности ткацкого станка СТБ дробеструйной обработкой рабочих поверхностей зубьев батана..... 23

Kasimov Bakhtiyorjon

Development of a method for improving the efficiency of the STB loom by shot blasting the working surfaces of the batan teeth..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

КАСИМОВ БАХТИЁРЖОН МУРАТ ЎҒЛИ

**БАТАН ТИШЛАРИНИНГ ИШЧИ СИРТЛАРИГА
МИКРОШАРЧАЛАРНИ ЙЎНАЛТИРИШ (ДРОБ) ОҚИМЛИ ИШЛОВ
БЕРИШ ОРҚАЛИ СТВ РУСУМЛИ ТЎҚУВ ДАСТГОҲИНИНГ ИШ
ҚОБИЛИЯТИНИ ОШИРИШ УСУЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва
робототехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/T1960 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон машинасозлик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nammti.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шин Илларион Георгиевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмедходжаев Хамит Турсунович
техника фанлари доктори, профессор

Маматов Алишер Зулунович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “02” июль соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz, Наманган муҳандислик-технология институти 3-биноси, 2-қават, 313-хонаси).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 459-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07.)

Диссертация автореферати 2022 йил “20” июнь куни тарқатилди.
(2022 йил “20” июндаги № 70-рақамли реестр баённомаси).

Р.М.Мурадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, техника фанлари доктори, профессор

Х.Т.Бобожанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, техника фанлари доктори, доцент

Қ.М.Холиков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда замонавий машинасозлик илмий-техник ривожланишда етакчи ролга эга бўлиб, жумладан тўқимачилик ва енгил саноат тармоқларини инновацион ўсишининг асосидир. Янги технологияларни жорий этиш ҳисобига тўқимачилик матоларини сифатини оширишга ва тўқимачилик саноатида сифатли тайёр маҳсулот ҳажмини салмоқли оширишга катта эътибор берилмоқда. Дунё миқёсида йилига 108,3 млн. кв.м.дан кўп тўқима матолари ишлаб чиқарилиб, бутун тўқимачилик бозорининг 4 % ини ташкил қилади¹. Қуйидаги хорижий давлатларнинг тўқимачилик саноатлари эътиборга молик ютуқларга эришмоқда; Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия, Италия, АҚШ ва бошқалар. Шу жиҳатдан давлатларда пахта хом ашёсини қайта ишлаш технологиясини мосланувчан автоматлаштирилган бошқариш тизимини яратиш, замонавий талабларга мувофиқ технологик машина ва агрегатларни модернизация қилиш ва энергоресурс тежамкор жиҳозларда юқори тезлик билан хом ашёни қайта ишлаш технологиялари ва янги усулларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади².

Жаҳон амалиётида мато ва ипни ҳосил қилишнинг ҳар хил кинетикаси ва тезликларини, ҳамда турли ҳарорат ва намликда ишлов бериш меъёрларини, турли тайёрлов ишларини талаб қилувчи синтетик, табиий ипларнинг ҳилма-хил турларидан кенг ассортиментда матоларни ишлаб чиқариш техника ва технологияларини такомиллаштириш бўйича комплекс илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, тўқимачилик жиҳозларининг (қарийб 2000 турдаги) катта гуруҳи яратилди. Тўқимачилик дастгоҳларининг сифати уларнинг ишончлилиги, такомиллашуви конструктив, технологик ва эксплуатацион усулларга асосланганлиги билан белгиланади. Шунингдек, тўқув дастгоҳларининг механизмларини такомиллаштириш, технологик жараёнларни автоматлаштириш, дастгоҳнинг иш унумдорлигини ошириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Республикада тўқимачилик саноатини ривожлантириш борасида кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, тўқув маҳсулотлари ассортиментларини ошириш, жиҳоз ва хом ашёларни маҳаллийлаштириш, ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни тадбиқ этиш...» вазифалари белгилаб берилган³. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, иқтисодиётни ислохот қилиш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатларини модернизациялаш,

¹ <https://data.world/imf/international-financial-statis>

² <http://www.fao.org/faostat/#>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

диверсификация қилиш ва динамик ривожлантириш, ташқи бозорларнинг эҳтиёжи бор экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотнинг рақобатбардош ассортиментини ва ишлаб чиқариш хажмини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги ПФ-5989-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар фан ва технологиялар ривожланишининг II «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Тўқув дастгоҳларида бажариладиган технологик жараёнлар, ишлаб чиқарилган тўқималарнинг тузилиши, уларни лойиҳалаш ва тахтлаш кўрсаткичларини оптималлаштиришни тадқиқ қилиш бўйича ҳорижда Е.М.Тrent, Х.Орpits, Р.Т.Сary (АҚШ), К.Sungshing (Хитой), I.Fredrych (Полша), L. М.Нyung (Хитой), М.Мatusaik (Япония), М.М.Саверин, Б.А.Кравченко, Д.Д.Папшев, А.А.Маталин, В.К.Старков, А.М.Сулима, А.Г.Суслов (Россия) ва бошқалар шуғуллаган. Тўқимачилик машиналарини лойиҳалаш, уларнинг ишончлилиги ва чидамлилигини ошириш масалалари бўйича тадқиқотлар М.И.Худых, А.И.Макаров, Л.К.Сизенов, С.И.Беленький, К.М.Гладков, А.В.Дицкий, К.М.Пирогов, Б.А.Вяткин ва бошқалар томонидан ўтказилган.

Республикада патхани қайта ишлаш ва тўқув дастгоҳларининг ишчи органлари деталларининг мустаҳкамлик хусусиятларини таъминлаш бўйича ҳамда тўқима ишлаб чиқариш параметрларини оптималлаштириш бўйича юртимиз олимларидан Р.Г.Маҳкамов, Э.М.Абдул-Раззақов, М.Г.Хамов, А.П.Рогов, И.Г.Шин, А.М.Ахмедов, Е.Ш.Алимбаев, Х.А.Алимова, Ф.А.Велиев, О.А.Ахунбабаев, А.Д.Даминов, С.А.Ҳамраева, Ғ.Н.Валиев, П.С.Сиддиқов, Б.Х.Баймуратов, Д.Н.Қодирова, Б.К.Хасанов, С.С.Рахимходжаев ва бошқалар салмоқли ҳисса қўшган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий тадқиқот режасининг ИОТ-2013-5-28 “Пахтани дастлабки ишлаш машиналари жавобгар деталларини юза қатламини микрошарча билан динамик мустаҳкамлашдан сўнг квалиметрия бўйича ишга лаёқатлилигини ошириш ва

узоқ вақтга чидамлилигини башорат қилиш” мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади: СТБ дастгоҳидаги батан механизмининг ишчи сиртларига микрошарчаларни йўналтириб ишлов бериш орқали унинг эксплуатацион кўрсаткичларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тўқув дастгоҳи деталларининг чидамлилигини оширишнинг технологик усулларини, сиртларини пластик деформациялаш орқали мустаҳкамлашнинг асосий усулларини таҳлил қилиш ва батан механизмининг тишларини мустаҳкамлигини оширишда микрошарчалар оқимини қўлланилишини асослаш;

бир нуқтага йўналтирилган ва тақсимланган кучлар таъсирида деталларнинг сирт қатламларидаги кучланганлик-деформациянинг ҳолатини аналитик аниқлаш;

дастгоҳларнинг муҳим деталларига яқунловчи ишлов беришда сирт қатламининг асосий сифат параметри бўлган мустаҳкамланган қатлам чуқурлигини аниқлаш учун назарий ечимини асослаш;

батан тишларининг сирт қатламларини ейилишга юқори чидамлилигини таъминловчи микрошарча оқимли ишлов беришнинг рационал технологик режимини аниқлаш;

бир қатор геометрик параметрлар билан ифодаланувчи батан тишларининг контакт сиртларининг сифатини замонавий усуллар ёрдамида аниқлаш;

батан механизм тишларини микрошарчалар билан динамик мустаҳкамлаш технологияси самарадорлигини ва амалий аҳамиятини ишлаб чиқариш шароитларида аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида СТБ русумли тўқув дастгоҳининг батан механизми олинган.

Тадқиқотнинг предмети батан механизми, механизмнинг ишчи тишлари, микрошарчалар, оқимли ишлов бериш механизми, тишларнинг сирт қатламлари сифатини технологик таъминлаш ускунаси ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий ва амалий механика, эластиклик ва пластиклик назариялари, қаттиқ жисмлар физикасининг дислокациялар назарияси усуллари ҳамда атом-кучи микроскопияси усуллари ҳамда мавжуд меъёрий хужжатларда белгиланган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мураккаб профилга эга бўлган батан тишларининг ички контакт сиртларини мустаҳкамлигини оширишда микрошарчаларни оқимли ишлов бериш усули қўлланилган ҳамда тишларни микрошарча (дроб) оқими билан мустаҳкамлаш мумкинлиги асосланган;

микрошарчанинг диаметрига, унинг тезлигига ва ишлов берилаётган материалнинг оқувчанлигига қараб, микрошарчалар орқали мустаҳкамланган чуқурликни математик модели олинган, микрошарча оқими билан ишлов берилгандаги изнинг d диаметри ва ε нисбий деформацияланиши тезликни тикланиш коэффициентига боғланиши топилган;

каттик сферик заррача таъсирида ишлов берилаётган материалнинг таркибий қисмлари ва физик-механикавий хусусиятларини ҳисобга олган тўлиқ энергия балансининг схемаси ишлаб чиқилган ҳамда аналитик тенгламалар бўйича аниқлаш асосланган;

батан тишларининг ейилиш сабаблари атом-кучи микроскопияси ёрдамида батан тишларида чуқурлик 1,04 мкм кенглиги 5 мкм бўлган толиқиш ёриқлари мавжудлиги ҳамда батан тишларининг мустаҳкамланган сиртларининг тавсифлари $R_{\min}=1,25$ мкм $R_{\max}=3,85$ мкм эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

контакт сиртларни ейилишга чидамлилигини оширувчи ва сирт қатламда қаттиқликни ҳосил қилувчи батан механизми тишларини микрошарчалар оқимли ишлов бериб деформациянинг мустаҳкамлашнинг самарадорлиги асосланган;

микрошарчаларни ишлов берилаётган муҳитдаги ҳаракат тенграмаси асосида аниқланадиган зарб кучи P (нормал босиш кучи) ва контакт сиртдаги оқишни ўртача босими (оқувчанлик чегараси) ўзгармас деб қабул қилингандаги пластик из параметрлари орқали мустаҳкамлик чуқурлиги h_n ни аниқлаш учун боғланиш назарий йўл билан топилган;

куч бирлиги таъсирида ҳосил бўладиган нормал кучланиш $\sigma_1 = \sigma_z$ сирт қатламининг чуқурлиги z бўйлаб ўзгариш қонунияти аниқланган. Сирт қатламининг чуқурлиги 0,03 дан 0,05 гача ўзгарганда кучланиш σ_1 530,8 дан 191,0 Н/мм² гача яъни 2,78 га камайган;

материал сиртига каттик сферик заррача урилгандаги тўсиқ материалга таалуқли энергиянинг ташкил этувчиларини ҳисобга олувчи тўлиқ энергетик баланс схемаси тузилган ва кенгайтирилган;

батан тишларини ейилган сиртларининг топографияси ўрганилиб, ейилиш жараёнида батан тишининг қисмини тўғри чизикли сиртдан эгри чизикли сиртга ўзгариши (трансформацияланиши) ўрганилган. Атом-кучи микроскопияси ёрдамида батан тишларида чуқурлиги 1,04 мкм кенглиги 5 мкм бўлган толиқиш ёриқлари мавжудлиги аниқланган;

СТБ1-180 тўқув дастгоҳида ишлаб чиқариш шароитларида микрошарчалар билан сиртлари динамик мустаҳкамланган батан тишлари ва уларни мустаҳкамлаш технологияси синовлар ўтказилиб қуйидагилар аниқланди: Россияда ишлаб чиқарилган микрошарчалар билан мустаҳкамланган батан тишларининг чидамлилиги 1,25...1,5 марта мустаҳкамланмаган тишларга нисбатан юқори бўлган. Хитойда ишлаб чиқарилган мустаҳкамланган батан тишларининг чидамлилиги мустаҳкамланмаганларга нисбатан 8,5 марта ортиқ бўлган;

микрошарчалар оқими билан мустаҳкамланган батан тишларини ишлаб чиқариш корхонасидаги СТБ1-180 дастгоҳнинг батан механизмининг мустаҳкамланган тишларини жорий этиш натижасида 108586,6 минг. сўм иқтисодий самарадорликка эришилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги микрошарча ва мустаҳкамланаётган сиртнинг ўзаро динамик контакт таъсирини аналитик ифодалаш учун математик ва физик моделларни асосланган танлови, назарий ва

тажрибавий тадқиқотларни бир-бирига мослиги, макрошарча оқимли ишлов бериш орқали мустаҳкамланган батан механизмининг тишларини синов натижалари ва жорий этиш билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Натижаларнинг илмий аҳамияти нитроцементланган сирт қатламли батан тишларини микрошарчалар оқими орқали сиртли деформациянинг мустаҳкамланиш эффекти топилганлиги билан изоҳланади.

Бажарилган тадқиқотларнинг амалий аҳамияти батан механизмининг тишининг ички мураккаб шаклли сиртларини микрошарчалар оқими орқали мустаҳкамлашни асослаш ва жорий этиш, мустаҳкамланган батан тишларининг иш қобилиятини сезиларли ортиши ва ишлаб чиқарилаётган матонинг сифати ортиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Батан механизмининг тишларига микрошарча оқими билан ишлов бериш усулини ишлаб чиқиш бўйича бажарилган илмий ва амалий натижаларига асосида:

микрошарчалар оқими билан ишлов бериб усулида мустаҳкамланган батан тишлари «ASHURBEK TEXTIL» MCHJ да ишлаб чиқаришга жорий қилинган (Ўзбекенгилсаноат уюшмасининг 2021-йил 20 октябрдаги №03/03-2962 сонли маълумотномаси). Натижасида 1,25...1,5 марта батан тишларининг чидамлилиги ва эксплуатацион ишончилиги ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг абробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 7 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 142 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, шунингдек, тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган ҳамда амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тўқимачилик машиналарининг ишончилиги ва иш қобилиятини ошириш усуллари”** деб номланган биринчи бобида технологик машиналар ишчи органларининг ишчи деталларини юқори

чидамлилиги ва иш қобилиятини таъминлашда технология ролига эътибор қаратиб ишончли ва чидамли машиналарни яратишнинг асосий принциплари кўриб чиқилган. Тўқимачилик машиналар деталларининг ишончилигини ошириш технологик усуллари таҳлили ўтказилиб, сирпаниш ишқаланиши ва циклик ўзгарувчан юкламалар шароитида буюмларнинг чидамлилигини оширувчи деталлар сирт қатламида сиқувчи қолдиқ кучланишлар ва мустаҳкамланган сиртни ҳосил қилувчи пластик деформациялаш усули энг самарали эканлиги аниқланган.

Тишлари ип ўтказувчи кичик мокини сирпаниши шароитларида жадал ейиладиган СТБ русумли мокисиз тўқув дастгоҳининг асосий механизмларидан бири бўлган батан механизмнинг эксплуатацион ишончилиги ва иш қобилияти йўқолишининг асосий сабаблари кўриб чиқилган сифатли махсулот чиқарувчи технологик жихозни барқарор ишлашини таъминлаш ва ейилишга чидамлилигини ошириш учун батан механизми тишларининг контакт сиртларини микрошарчалар билан динамик мустаҳкамлаш усули қўлланилиши илмий асосланган.

Дисертациянинг **“Микрошарчалар билан сиртлар динамик пластик деформациялангандан сўнг батан механизмнинг йўналтирувчи тароқ тишларининг контакт сиртларининг ҳолатини назарий тадқиқотлаш”** деб номланган иккинчи боб батан тишлари микрошарча оқими билан мустаҳкамлангандаги чуқурлигини назарий аниқлаш ва микрошарчалар билан динамик мустаҳкамлашда деталлар сирт қатламларининг кучланганлик-деформациянинг ҳолатини аналитик тадқиқотига бағишланган.

Машинасозлик ишлаб чиқаришида технологик ва кенг қўлланиладиган сирт пластик-деформациялаш йўли билан мустаҳкамлаш усулларида қуйидаги микрошарча оқими орқали динамик мустаҳкамлаш усуллари ҳисобланади: Микрошарча отиш, ҳаво оқими орқали йўналтирилган микрошарча, суюқлик оқими орқали йўналтирилган микрошарча, ҳаво-суюқлик оқими орқали йўналтирилган микрошарча, ультра товуш, микрошарчалар билан мустаҳкамлаш, вибро мустаҳкамлаш.

Сиртларни пластик деформациялаш усулларида микрошарчалар орқали мустаҳкамлаш қатор афзалликларга эга, биринчидан деталларнинг мураккаб участкалари ва фасон сиртларини мустаҳкамлаш имконияти рўёбга чиқади, бошқа статик усуллар ёрдамида мустаҳкамлашни амалга ошириш деярли мумкин эмас. Бунда сиқувчи қолдиқ кучланишларнинг эпюрасидаги максимал қиймат детални сиртига тўғри келади, бундай ишлов бериш натижасида бошланғич ғадир-будурлик сезиларли камаяди ($R_a=0,63\dots 0,16$ ики гача).


Шундай қилиб, батан тишларининг шакли мураккаб бўлганлигини ва унинг иш қобилиятининг асосий мезони бўлган ейилишга чидамлилигини таъминлаш зарурлигини инобатга олиб, ишлов бериш сиртига сиқилган ҳаво оқими билан ҳаво оқими орқали йўналтирилган микрошарчаларни (пневмодроб оқимли) йўли билан динамик мустаҳкамлаш технологиясини ишлаб чиқиш керакдир.

Микрошарча билан машина деталларини динамик мустаҳкамлаш учун ишлов бериш асосий маромларининг параметрларига қуйидагилар киради;

микрошарчанинг диаметри D ёки массаси m ; микрошарчанинг тезлиги v_0 ; сиқилган ҳаво босими p ; ишлов бериш вақти t ; оқимнинг нисбий зичлиги q ва микрошарчанинг нисбий сарфи Q .




1-расм. СТБ тўқув дастгоҳининг батан механизмини батаннинг тиши.



2-расм. Турли ишлов бериш бурчаклари α қийматлари учун микрошарча ва ишлов берилётган сиртнинг ўзаро таъсири.

Микрошарча билан ишлов берилётган сиртга урилгандаги (2-расм) ўзаро боғланиш таъсирининг хусусий ҳоллар масалаларининг ечиш учун бир қатор шартлар қабул қилинган ва улар схемалаштирилган.



3-расм. Микрошарча оқимли ишлов беришдаги бир контактнинг схемаси:

а) Диаметри D бўлган микрошарча ва ишлов берилётган сиртнинг (d , h -пластик изнинг диаметри ва чуқурлиги) эластик-пластик ўзаро таъсири; б) урилатган микрошарча қайтишида қалинлиги h_n бўлган мустаҳкамланган қатламни шаклланиши

Микрошарча орқали мустаҳкамланаётган сиртга урилгандаги контакт ўзаро таъсир деформацияланиш ўчоғини ҳосил бўлишига олиб келувчи локал деформациянинг жараён билан тавсифланади (3-расм). Натижада d диаметрли чуқурча шаклидаги пластик из ҳосил бўлади, уни ҳосил бўлиши кучланишлар жадаллиги σ_i ишлов берилётган материалнинг динамик оқим чегарасидан $\sigma_{т.д}$ катта эканлигидан далолат беради ($\sigma_i \geq \sigma_{т.д}$).

Эътиборга моликки, микрошарча 10...12 марта урилгандан сўнг изни диаметри ўсиши тўхтайтиди ва биринчи зарбдаги d_1 га нисбатан турли ишлов бериш шароитлари учун ўртача (1,25...1,55) d_1 ташкил этади.

Микрошарчалар билан динамик мустаҳкамлашдаги деталларнинг сирт қатламининг деформациянинг ҳолати сиртнинг пластик деформацияланиш даражаси билан аниқланади, сиртнинг пластик деформацияланиш даражаси деганда ҳосил бўлган чуқурчанинг d диаметрини сферик индентор D диаметрига нисбати $\epsilon = d/D$ тушунилади, конструкцион пўлатлар учун $\epsilon = 0,3 \dots 0,7$. Маълум бўлган ϵ учун ифодаларга аниқлик киритиш билан сиртни деформацияланиш даражаси ва пластик из (чуқурча) ва пластик из чуқурча диаметри d учун қуйидаги боғланишлар аниқланди.

$$\varepsilon = \sqrt[4]{\frac{(1-k^2)W_0}{0.17HB \cdot D^3}}, d = \sqrt[4]{\frac{D(1-k^2)W_0}{0.1 \cdot HB}}, \text{ мм} \quad (1)$$

бу ерда W_0 – микрошарчанинг бошланғич кинетик энергияси, Дж;

HB – ишлов берилаётган материалнинг Бринелл бўйича қаттиқлиги;

D – микрошарчани диаметри, м;


k – зарб тезлигини қайта тикланиш коэффициентини;

$1-k^2$ – зарбли кинетик энергияни нисбий йўқолиш коэффициентини.

Кўрсатилган формулаларни (1) олишда қаттиқлиги HB 300 бўлган металллар ва қотишмалар учун материалнинг динамик қаттиқлигини H_D бринелл бўйича қаттиқлик билан ўзаро боғлиқлиги бринелл бўйича $H_D = 1,7 \cdot HB$ эътиборга олинган ҳамда сирт қатламидаги кучланганлик-деформациянинг ҳолат тўлиқ бошланғич кинетик энергия W_0 билан эмас балки $(1-k^2)$ ифодаси асосида тезликни қайта тикланиш коэффициентини орқали аниқланадиган қисми билан ҳосил қилиниши инобатга олинган.

4-расмда бошланғич кинетик энергия W_0 бирлиги учун ўрта ва юқори тобланган пўлатларга микрошарчалар билан ишлов берганда ҳосил бўладиган чуқурча диаметри d ва нисбий деформация ε ларни ўзгариш графиклари келтирилган.


Тезликни қайта тикланиши k қийматларига боғлиқ ҳолда микрошарча диаметри $D=0,3$ дан $0,5$ ммга оширилганда пластик деформацияланган изнинг диаметри d , $3,3 \dots 14,2\%$ атрофида ортиши аниқланди. Коэффициенти k қийматларига кўра нисбий сирт деформацияси ε микрошарчанинг диаметри ортиши билан сезиларли $31,8 \dots 32,1 \%$ га камаяди. Диаметри $D=0,3$ мм бўлган микрошарчалар билан ишлов берилгандаги нисбий деформация ε жадал бўлиши зарб кучи контакт сирти кичик бўлганлиги сабабли кўпроқ тармоқланиши билан тавсифланади.



4-расм. Қаттиқлиги HB 400 бўлган конструкцион пўлатга микрошарча оқими билан ишлов берилгандаги изнинг d диаметри ва ε нисбий деформацияланганлик тезликни тикланиш коэффициентига боғланиши HB 400:

1- $D = 0,3$ мм; 2- $D = 0,4$ мм; 3- $D = 0,5$ мм

Микрошарчалар билан ишлов беришда мустаҳкамланган деталнинг сирт қатламида ҳосил бўладиган кучланганлик ҳолат юкланишнинг 2 тури учун аналитик ўрганилган: 1) бир нуқтага йўналтирилган куч P билан (5, а-расм). 2) ярим чексиз жисм чегарасидаги сферик сирт координаталарига пропорционал бўлган доиравий контакт юза бўйлаб тақсимланган куч p_0 (5, б-расм).



5-расм. Бир нуқтага қўйилган куч P (а) ва ярим чексиз жисм чегарасига қўйилган тақсимланган куч ρ_0 (б) билан юкланганлик натижасида ҳосил бўладиган кучланганлик ҳолатнинг ҳисоб схемаси.

Бир нуқтага қўйилган куч таъсир этганда ярим чексиз жисмдаги кучланишлар компонентлари қуйидаги формулалар билан ҳисобланилади:

$$\sigma_z = -\frac{3}{2} \cdot \frac{P}{\pi} \cdot \frac{z^3}{l^5}; \quad \sigma_r = -\frac{P}{2\pi} \left[\frac{1-2\mu}{l(l+z)} - \frac{3zr^2}{l^5} \right]; \quad \sigma_\theta = -\frac{P}{2\pi} (1-2\mu) \left[\frac{z}{l^3} - \frac{1}{l(l+z)} \right]; \quad \tau_{rz} = -\frac{3P}{2\pi} \cdot \frac{z^2 r}{l^5} \quad (2)$$

Бир нуқтага қўйилган куч сиртга нормал йўналишда қўйилганда кучланишлар жадаллиги σ_i максимал қийматга эга бўлиб z ўқида жойлашади ва йўналиши қўйилган куч P йўналиши билан бир хил бўлади. Юкланиш характери ўққа нисбатан симметрик бўлганлиги учун z ўқида жойлашган нуқталар учун ($l=z$) кучланишлар компонентлари қуйидаги формулалар билан аниқланади:

$$\sigma_z = -\frac{P}{2\pi} \cdot \frac{3}{z^2}; \quad \sigma_x = \sigma_y = -\frac{P}{2\pi} \left(\frac{1-2\mu}{2z^2} \right) \quad (2, a)$$


Z ўқида жойлашган нуқталар учун уринма кучланишлар 0 га тенг бўлганлиги сабабли кучланишларнинг уччала компонентлари асосий бўлади $\sigma_1 = \sigma_z$; $\sigma_2 = \sigma_3 = \sigma_x = \sigma_y$. Шунинг учун ушбу ҳолатда кучланишлар жадаллиги $\sigma_i = |\sigma_1 - \sigma_2|$ ифода билан аниқланади, математик ишлов беришдан сўнг ушбу ифода қуйидагича бўлади.

$$\sigma_i = \frac{P}{2\pi z^2} \left(3 - \frac{1-2\mu}{2} \right) \quad (3)$$

P кучни бирлиги таъсирида ҳосил бўладиган нормал кучланиш σ_1 сирт қатламининг чуқурлиги z бўйлаб ўзгариш қонунияти аниқланган. Қуйидаги шароитларда z чуқурлиги бўйлаб σ_1 кучланишларни кескин камайиши кузатилган: сирт қатламининг чуқурлиги 0,03 дан 0,05 гача ўзгарганда кучланиш σ_1 530,8 дан 191,0 Н/мм² гача (5-расм) яъни, 2,78 камайган. Бунда нормал кучланишлар $\sigma_2 = \sigma_3$, σ_1 нисбатан 10 ва ундан ортиқ марта кам бўлган, бу ҳолат σ_i кучланишларни ҳисоблашда акс этади. Унинг абсолют қиймати σ_1 кучланишдан (5-расм) катта фарқ қилмайди, бу фарқ 6,7% ортмайди, натижада

эластик-пластик деформацияланиш масалаларини ечишда амалиётда кучланишлар жадаллиги ўрнига асосий кучланиш σ_1 қийматини олиш мумкин.

Доиравий контакт юза бўйлаб тақсимланган куч ρ_0 таъсир этгандаги кучланишлар жадаллиги қуйидаги формула билан аниқланади.



6-расм. z Сирт қатламни чуқурлигига боғлиқ холда асосий кучланиш σ_1 (1) ни ва кучланишлар σ_i (2) жадалликларини ўзаро таққослаш

$$\sigma_i = \rho_0 \left\{ \frac{1}{1 + \left(\frac{z}{r}\right)^2} - \left[(1 + \mu) \frac{0.5}{1 + \left(\frac{z}{r}\right)^2} + (1 + \mu) \frac{z}{r} \arctg \frac{r}{z} \right] \right\} \quad (4)$$

бу ерда, $\rho_0 = \frac{3}{2} \cdot \frac{P}{\pi r^2}$ изнинг марказидаги босим,

Н/мм²;

P – микрошарча ва детал контактдаги статик куч, Н;

μ – Пуассон коэффициенти;

r – пластик изнинг радиуси, мм.

Пластик деформацияланган изнинг ўлчами $d=2r$ (3-расм) билан

боғлиқ бўлган ва мустаҳкамлаш

чуқурлигига таъсир этувчи микрошарчани материалга кириш кучи P контакт сиртларидаги материалга киришга қарши турувчи ўртача босим ёки оқувчанлик ўртача босими (оқувчанлик чегараси σ_T) ўзгармас деб қабул қилинганлик шarti билан аниқланган. Бунда деформацияланмайдиган сферик инденторни мустаҳкамланаётган металл сиртга урилиш жараёни шарчани ишлов берилаётган муҳитда ҳаракатланиш тенгламасидан ва пластик изнинг параметрларидан келиб чиқадиган қуйидаги боғланишлар билан ифодаланади:

$$P = \pi \rho_0 r^2 = -m \frac{d^2 h}{dt^2}, \quad (5)$$

бу ерда ρ_0 – оқувчанлик босими, $\rho_0 = \text{const}$ ва $\rho_0 = \sigma_T$; m – сферик индентор массаси.

Пластик изнинг радиуси $r=d/2$, сферик индентор радиуси $R=D/2$, изни чуқурлиги h ($r^2 = 2Rh - h^2$) ва ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиб ва h^2 қийматини D га нисбатан жуда кичик бўлганлиги сабабли инобатга олмасдан шарчани ишлов берилаётган муҳитдаги ҳаракатланиш тенгламаси қуйидагича ифодаланади.

$$P = 2\pi \sigma_T R h = -m \frac{d^2 h}{dt^2} \text{ ёки } \frac{d^2 h}{dt^2} + \frac{D\pi \sigma_T}{m} h = 0 \quad (6)$$

Бу (6) тенгламани ечими изнинг чуқурлигини беради, унинг максимал қиймати


$$h = v_0 \sqrt{\frac{m}{\pi D \sigma_T}}, \text{ мм} \quad (7)$$

бўлади, бунда зарб кучи P , m масса зарб кучи, зичлик ρ_m ва хажм V орқали ифодаланганда қуйидаги формула билан аниқланади

$$P = \pi D^2 v_0 \sqrt{\frac{\rho_m \sigma_T}{6}}, \text{ Н} \quad (8)$$

Ушбу боғланиш (8) ва С.Г.Хейфицнинг маълум формуласи ёрдамида ўзгартиришлардан сўнг изнинг чуқурлиги h_H ни назарий аниқлаш формуласи топилган.

$$h_H = D^4 \sqrt{\frac{\pi^2 v_0 \rho_m}{24 \sigma_T}}, \text{ мм} \quad (9)$$



7-расм. h_H эзилиш чуқурлигининг v_0 микрошарча тезлигига σ_T оқим чегараси турли қийматлар учун боғлиқлиги:

1 – 500 Н/мм², 2 – 800 Н/мм²,
3 – 1000 Н/мм².

7-расмда мустаҳкамлаш чуқурлигининг h_H ҳисобий қийматларини v_0 тезликларга ва конструкцион, асбобсозлик вазифаларини бажарувчи углеродли ва асбобсозлик пўлатларнинг катта гуруҳига мос келувчи σ_T оқувчанлик чегараларига боғлиқлик графиклари кўрсатилган. Бунда қуйидаги ҳолатларда мустаҳкамлаш чуқурлиги $h_H = 0,058$ мм бўлади: $D = 0,3$ мм, $v_0 = 15$ м/с, $\rho_m = 7,8$ г/см³, $\sigma_T = 500$ Н/мм². Бу h_H қиймати қабул қилиниши мумкин бўлиб микрошарча орқали оқимли мустаҳкамлаш таснифига мос келади. Аниқланган, микрошарчанинг уриш

тезлиги v_0 ўсиши билан мустаҳкамлаш чуқурлиги h_H оқувчанлик чегарасига $\sigma_T = 500-1000$ Н/мм² боғлиқ ҳолда 40,8 - 42,3% дивизионда аста секин ортади (7-расм). $\sigma_T = 500$ Н/мм² бўлганда мустаҳкамлаш чуқурлиги h_H 0,058 мм дан 0,082 мм гача ортади, агар $\sigma_T = 800$ Н/мм² – бўлса $h_H = 0,052$ дан 0,074 мм гача, агар $\sigma_T = 1000$ Н/мм² бўлса $h_H = 0,049$ дан 0,069 мм гача ортади. Ушбу натижалар мустаҳкамлаш чуқурлигини экспериментал тадқиқотлаш маълумотлари билан, жумладан бошқа тадқиқотчилар натижалари билан таққосланганда ҳисобий ва экспериментал маълумотларнинг нисбий хатолиги 10% ортиқ бўлмади, яъни машинасозлик ишлаб чиқаришда технологик жараёнларни лойиҳалашда ҳисоблаш амаллари учун фойдаланилади.

Диссертациянинг «Батан тишларининг сирт қатламлари ҳолатини микрошарча орқали оқимли ишлов беришдан кейин ва эксплуатация ва маълум эксплуатация муддати ўтгандан сўнг экспериментал тадқиқотлаш» номли 3-бобида сирт қатламнинг сифатини (мустаҳкамлаш чуқурлиги ва даражаси, сирт ғадир-будурлиги) тадқиқотлаш натижалари, микрошарчалар оқими билан ишлов берилгандан сўнг ва эксплуатация натижасида чегаравий ҳолатга етган батан тишларининг ейилган участкалари топографияси келтирилган.

Батан тишларини микрошарчалар орқали ишлов бериш бўйича тажрибавий тадқиқотлар Тошкент механика заводида тайёрланган ва ишлатилаётган

қурилмада (қум оқимли камерада) амалга оширилди. Қум оқимли камеранинг ишчи фазоси 120/60/60 см; $p=4...6$ атм ҳаво босими кучланиши $U=380$ вольт, қуввати $P=22$ кВт бўлган электро двигател ёрдамида ишловчи компрессор билан ҳосил қилинади. Мураккаб шаклга эга бўлган деталларни батан тишларини мустаҳкамлаш учун болтлар билан маҳкамланувчи иккита пластинадан иборат бўлган махсус маҳкамловчи мослама тайёрланди (9-расм). Батан тишларининг ишчи сиртларини динамик деформациянинг мустаҳкамлаш учун 0,3...0,4 ммли қуйма пўлат микрошарчалари қўлланилди; сиқилган ҳаво босими $p=4...6$ атм; дастак сопласидан мустаҳкамланаётган сиртгача масофа 15...20 см.




8-Расм. Машина деталларига микрошарча оқими орқали ишлов бериш учун қўлланиладиган қум оқимли камера кўринишдаги технологик жиҳоз.



9-Расм. Микрошарчалар билан мустаҳкамловчи абразив зарра оқим пистолети ва батан тишларини маҳкамловчи мослама.

Тажрибавий тадқиқотлар мустаҳкамлаш чуқурлиги h_n ва даражаси U микрошарчалар билан ҳаво орқали пуркаш вақти ортганлигини кўрсатди (10-расм). Бунда ҳаво орқали пуркаш вақти $t=2$ дан 4 мингача ортганда мустаҳкамланиш чуқурлиги ва даражаси ортди: $t=2$ мин бўлганда $N_\mu = 4880$ МПа ва $h_n=0,078$ мм бўлганда $t=4$ мин $N_\mu = 5050$ МПа ва $h_n=0,12$ мм бўлди.

Мустаҳкамланишнинг максимал даражасига $U=15,6$ % ҳавони пуркаш вақти $t=4$ мин бўлганда тажриба ўтказилди (ҳаво босими $p=5$ атм, микрошарча диаметри $D=0,3...0,4$ мм). Микрошарча оқимли ишлов беришнинг ушбу режимда мустаҳкамланган қатламнинг h_n чегаравий қалинлигига (0,12 мм атрофида) етказилди, бу қалинлик батан тишларини нитроцементацияланган қатламининг қалинлиги билан деярли бир хилдир.




10-Расм. Пуркашнинг турли вақтлари учун батан тишининг (сталь 20) нитроцементлаштирилган сирт қатлами h чуқурлиги бўйлаб микрокаттиқлигининг тақсимланиши N_μ : 1 – мустаҳкамланишгача; 2 – $t=2$ мин; 3 – 4 мин; 4 – 6 мин

Ишлов бериш вақтини (6 дан мин ортиқ) ва сиқилган ҳаво босимини $p > 5$ атм ошириш мақсадга мувофиқ эмас чунки бунда сирт қатлам пластиклик захираси тугаб қолиши натижасида мўртлашади. Бунда сиртдаги


микроқаттиқлик H_c пасаяди ва унинг максимуми паст қатламга силжийди (юқори қатлам остига).

ЎзР ФА Полимерлар-химияси ва физикаси институтининг илмий лабораторияси шароитларида батан тишларининг ишчи сиртларининг микропрофили ҳолатини ва уни эксплуатация жараёнида трансформацияланишини ўрганиш мақсадида Agilent 5500 AFM русумли сканерловчи зонтли микроскопга асосланган атом-кучи микроскопияси қўлланилди. Сканерловчи зонтли микроскопларда сиртнинг микроръелефини тадқиқотлаш игна шаклидаги махсус зонтлар ёрдамида амалга оширилади, зонтларнинг ишчи қисми (қирраси) замонавий микроскопларда 1...5 нанометр радиусга эгадир, улар фотолитография ва кислотали ишлов бериш усуллари ёрдамида кремни пластиналаридан тайёрланади (легиранган кремний SiO_2 ёки Si_3N_4).



11-расм. Россияда ишлаб чиқарилган мустаҳкамланган батан тишларининг ишлатилмаган сиртларининг тавсифлари.

11, 12 - расмларда батан тишларининг ишчи сиртларини атом-куч микроскопия усули ёрдамида амалга оширилган экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган.



12-расм. Россияда ишлаб чиқарилган мустаҳкамланган батан тишларининг ейилган сиртларининг тавсифи 1021 соат ишлатилгандан кейин.

11-расмда 99,6 мкм бўлган база узунликдаги сиртнинг ғадир-будурлиги профилограммаси келтирилган ҳамда микрошарчалар ($D = 0,3$ мм, $p = 5$ атм, сопладан материалгача бўлган масофа-15 см) билан ишлов берилган Россияда ишлаб чиқарилган батан тиши намунасининг сиртининг икки ўлчамли ва уч ўлчамли кўринишлари берилган. (Сирт ғадир-будурлигининг стандарт параметрларидан бири) профилнинг энг юқори баландлиги $R_{\max}=3,85$ мкм бўлгани аниқланди, бу ҳолат микрошарча оқими орқали ишлов берилгандан сўнг бошланғич ғадир-будурликни ($R_a=1,25$ мкм) ортишини тасдиқлайди. Текисликдаги ва уч ўлчамли кўринишдаги структура маълум бир мўлжалга эга бўлмаган ўрта дисперсли донадор структурадир. Уч ўлчамли кўринишда чуқурчалар аниқ кўринмоқда, улар микрошарчалар ва мустаҳкамланаётган сиртини ўзаро зарбли таъсирида ҳосил бўлган микропластик деформациялар оқибатидир.

